Абдураззакова Динара Адилбек қизи
Урганч Ранч технология университети
Лингвистика (инглиз тили) 1-курс магистранти

ЎЗБЕК ТИЛИ БИЗНЕС ВА ТИЖОРАТ СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада терминлар табиати, функцияси, яъни уларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари, терминологик лексиканинг умумтил лексикасидан фарқлари каби масалалари бўйича ўзбек тилшунослигида қилинган ишлар, бизнес ва тижорат соҳасида ишлатиладиган терминларнинг айрим лексик-семантик, грамматик хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Калит сўзлар: Термин, терминология, семантика, структура, грамматик хусусиятлар, лексик-синтактик усул.

Кириш. Ўзбек тили терминологик системаларининг шаклланиши ва ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари асосий роль ўйнайди. Чунки “адабий тил лексикаси бойишининг биринчи ва энг муҳим манбаи унинг ўз ички ресурсларидир”.

Барча соҳаларда бўлганидек, бизнес ва тижорат соҳаси терминологиясида ҳам ясама терминлар соҳа терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланишида асосий манбалардан ҳисобланади.

Адабиётлар шархи. Тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Шу жумладан, С Акобиров, А.Хожиев, Н.Маматов, Р.Дониёров, Ҳ.Ёдгоров, С.Азизов каби олимларнинг диссертация ва монографияларида семантик усул билан терминлар ҳосил бўлиши ҳақида муайян фикрлар билдирилган. Шундай бўлса-да ҳанузгача бизнес ва тижорат соҳаси терминологияси тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Муҳокама ва натижалар. Сўз ясаш ички манбанинг энг асосий омилидир. Сўз ясаш, умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишдир. Ўзбек тилида термин ясашнинг усуллари ҳар хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: семантик (семантик-синтактик), морфологик, синтактик (композиция). Шу йўллар билан термин ясалишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилининг турли соҳа терминологик тизимларини ўрганишга бағишланган кўпгина ишларда семантик усул билан термин ясаш терминологияни бойитувчи муҳим бир манба сифатида эътироф этилади. Бироқ термин ясашнинг ушбу усулига мансуб деб қаралаётган кўпгина терминларнинг “семантик усул билан ясалган терминлар” сарлавҳаси остида берилиши мунозаралидир.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полесемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил қилиниши – семантик ёки лексик-семантик йўл билан сўз ясаш деб юритилади. Шу нуқтаи назардан, рўзғор буюмлари ёки косиблик асбобларини англатган пичоқ, ўроқ, курак, қалпоқ, тирноқ сингари сўзлар ҳозирги замон техника терминологиясида семантик усул билан терминлар

деб талқин қилинади. Ўзбек тили бизнес ва тижорат соҳаси терминологиясида ҳам семантик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди. Маълумки, тилнинг лексикаси нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам бойиб боради: эски сўзларда янги маъно пайдо бўлади, уларнинг эски ва янги маънолари ўртасидаги муносабатлар қайта англашилади.

Бизнес ва тижорат соҳаси терминларини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш шуни кўрсатадики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ясалган. Масалан: кирим, чиқим, харажат, маблағ, шакл, камомад кабилар. Шунингдек, ҳозирги кунда томоман бошқа-бошқа сўзлар ҳисобланувчи қолдиқ, буюртмачи, устама, қайднома каби терминларнинг барчаси бошқа-бошқа феъллардан ҳосил бўлган. Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг бизнес ва тижорат соҳаси терминологиясида умумистеъмолдаги сўз ёхуд бошқа соҳалар терминларининг маъноларига янги маънолар юклаш йўли билан ясалган терминларнинг миқдори юздан ошиб кетади. Тилда сўзнинг маъносини ҳар хил усуллар билан кўчириш мумкин. Тилшунос Е.Кажибеков ҳам туркий тилларда сўз семантикасидаги ўзгариш асосан метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби семантик трансформация асосида амалга ошишини таъкидлайди.

Терминшуносларнинг якдиллик билан билдирган фикрларига қараганда, метафора семантик усулда термин ҳосил қилишда асосий роль ўйнайди. Бунда умумадабий ёки жонли тилдаги сўзларнинг бирор хусусиятини, шаклан ўхшашлигини, ранг-тусидаги бир хилликни асос қилиб олиш туфайли мана шундай янги-янги терминлар вужудга келади.

Ўзбек тили бизнес ва тижорат соҳаси терминларининг семантик-синтактик усул билан ясалиши соф ўзбекча ёки ўзбек тилида аввалдан ишлатилиб келган форсча, арабча лексемани янги маънода қўллашдан иборат.

Ўзбек тилида банк-молия тизимида иш юритиш бўйича нашр қилинган қўлланма ва йўриқномаларда, терминологик ҳамда изоҳли луғатлар ва бошқа манбалардан тўпланган мисолларни таҳлил қилиб чиқиб, ўзбек тили лексикасининг бир қатор қатламларига оид лексик бирликлар бизнес ва тижорат соҳаси терминларига айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда мазкур сўзларнинг маъноси ўзгаради ёки кўчма маънода қўлланади. Масалан, аслида турли аниқ ва мавҳум отларнинг номлари бўлган картотека, омонат, терминал, кредит, бадал, суғурта каби сўзлар иштирокида семантик-синтактик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди: кредит бериш, омонат касса, суғурта полиси, картотека очиш каби.

Ўзбек тили бизнес ва тижорат соҳаси терминларининг асосий қисмини ташкил этувчи бундай бирикма терминларнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, тушунчаларни мантиқан, мазмунан ва грамматик жиҳатдан тўғри ифодалашда семантик троансформацияга учраган иккинчи компонентларнинг аҳамияти каттадир. Мазкур терминларнинг таркибий боғланишидан уларнинг қаратқичли конструкция эканлиги сезилиб туради.

Тўпланган далилий материаллардан ўзбек тили бизнес ва тижорат соҳаси терминологиясида бутун номини англатувчи терминларга қараганда, унинг қисмларини англатувчи терминлар бир неча марта кўплиги аён бўлди. Масалан, омонат- омонат дафтарчаси, омонатга маблағ киритиш, омонатдан нақдсиз маблағ йиғиш ва бошқалар. Яна шу нарса характерлики, адабий тилда синонимик қаторга кирмайдиган сўзлар бу ўринда ўзаро синоним тарзда қўлланади. Масалан, тўғирлаш ордери-тўғирлаш мемориал ордери; тўлов топшириқномаси-тўлов талабномаси каби. Аслида синоним бўлмаган бундай лексемаларининг қўлланишига асосий сабаб уларнинг маъно жиҳатдан бир хиллиги эмас, балки шаклан ўхшашлигидир.

Адабий тилда бир-бирига синоним бўлган сўзлар бизнес ва тижорат соҳаси терминларини ясашда семантик трансформацияга учраса ҳам, синоним тарзда қўлланади. Баъзан семантик-синтактик йўл билан бизнес ва тижорат соҳаси терминларини ясашда адабий тилдаги сўз билан унинг шевалардаги маънодошлари синоними тарзида қўлланади: мол-мулкни гаровга қўйиш, мол-мулкни гаровга олиш. Бизнинг фикримизча, бир терминологик тизим доирасида бундай синонимик бирикма терминларнинг вужудга келишига, биринчидан, семантик-синтактик ясалишда иштирок этаётган иккинчи компонентнинг метофорик қўлланиши, иккинчидан, бу терминлар бошқа тилдан калькалаш йўли билан ҳосил қилинганлиги, учинчидан, таржимон ёки муаллифнинг маълум бир шева вакили эканлиги сабаб бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, семантик-синтактик усулда термин ясаш бошқа соҳалар қатори бизнес ва тижорат соҳаси терминологиясида ҳам салмоқлидир.

Бунинг асосий сабаби терминларнинг ўтмиш даврларда халқ тили асосида юзага келиб, жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқада ривожланганлигидир. Шунинг учун уларда халқ тилига хос бўлган кўпдан- кўп метафорик қўлланишлар ўз аксини топган. Масалан: пластик карточка, дуэт карточка, кредит карточка каби бирикма терминлар таркибидаги карточка сўзи умумадабий тилда бирор нарса учун берилган расмий қоғоз номини англатади.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, содда бирикма терминлар бизнес ва тижорат соҳаси терминлари тизимида кўп миқдорни ташкил этиши билангина эмас, балки банк-молия тизими тушунчаларини тўғри, аниқ ва ихчам тарзда ифодалаб келиши билан ҳам ўзига хос афзалликларга эга. Бу эса, ўз навбатида, информациянинг аниқлигини таъминлайди, фикр алмашув жараёнини осонлаштиради. Бизнес ва тижорат соҳаси терминларини тарихий этимологик нуқтаи назаридан текшириш шуни кўрсатдики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ясалган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбекча ва интернационал термин элементларининг ўзаро муносабати ҳақида (физика терминлари асосида) Тошкент: Фан, 1986.

2. Narbaevna, S. D. (2022). Scientific medical text in the medical paradigm linguistics.

3. Sapaeva, D., Babajanov, K., Shomuratova, B., Sadullaeva, N., & Sayfullaeva, R. (2020). Features of abbreviations used in medical terminology. *Journal of critical reviews*, *7*(5), 808-811.

4. Сапаева, Д. Н. (2021). ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИК АТАМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS*, *68*.

5. Сапаева, Д. Н. (2021). ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА МЕТОФОРИК КЎЧИМ. In *КУЛЬТУРОЛОГИЯ, ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 41-45).